



## “ТЕМИР ДАФТАР”ГА КИРИТИЛГАН ОИЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ РОЛИ.

**Хўжабеков Одилхон Ахрорхон ўғли**

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси*

*3 босқич 317-гуруҳ курсанти*

**Аннотация:** *профилактика инспекторининг ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлари ва бугунги кунда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун юритилаётган “Темир дафтар” га киритилган оилалар билан ишлаш фаолиятининг мазмуни қисқача баён қилинган.*

**Калит сўзлар:** *“Темир дафтар”, оилалар билан ишлаш фаолияти, тоифаларни шакллантириш, ҳуқуқий кўмак, психологик ёрдам.*

Ҳуқуқий ва маънавий-психологик қўллаб-қувватлашга зарурати бўлган фуқароларга давлат томонидан манзилли кўмаклашиш бўйича мутлақо янгича тизим жорий қилинди.

Шавкат Мирзиёев камбағалликни қисқартириш ишларини янгидан ташкил этишни буюрди. Бунда “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” бир тизимга бирлаштирилди, ҳар бир оиланинг ягона рақамли паспорти ишлаб чиқилди. 2023 йилда яна 1 млн аҳолини камбағалликдан чиқариш режалаштирилди ва бўйича бир қатор ишлар ташкил этилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 25 январь куни ўтказган йиғилишда туманларда камбағалликни қисқартириш ишларини янгича ташкил қилиш кераклиги ҳақида гапирди.

Шавкат Мирзиёев маҳалладаги ишсиз аҳолини даромадли қилиш мақсадида 1 апрелга қадар ҳар бир вилоятда камида 5 тадан микромарказни ишга тушириш зарурлигини таъкидлаган эди. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган аҳолига деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкалари очик электрон танлов орқали ижарага берилганда, мазкур хатбошида назарда тутилаётган шахслар юқоридаги дафтарлардан чиқарилмайди ва улар учун қонунчиликда белгиланган барча имтиёз ва преференциялар бир йил муддатга сақлаб қолинади.

Давлатимиз раҳбарининг фармонида мувофиқ, 1 январдан Ўзбекистондаги барча — 208 та туман ва шаҳар иқтисодий аҳволидан келиб чиқиб, 5 та тоифага ажратилди. Тоифага қараб бу туманларга солиқ имтиёзлари, субсидия ажратиш тартиби ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланди.

Иккинчи босқичда ҳар бир оилани камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал дастурлар тузилди. Оила учун касб-хунарга ўқитиш, тадбиркорлик лойиҳаси амалга оширилди.



«Темир дафтар»ни юритиш орқали ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир оилалар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича вақтинчалик тартиб белгиланди.

Профилактика инспекторлари ўз хизмат ҳудудида ушбу тоифани шакллантириш билан бир қаторда уларнинг бошқа муаммоларини ҳам ўрганади. Бундан ташқари маҳалла ҳудудида фаолият олиб бораётган маҳалла фаоллари билан ҳамкорликни амалга оширади.

«Темир дафтар»нинг юритилиши юзасидан ҳудудлар бўйича ҳисобот ва таҳлилий материаллар шакллантирилади. Таҳлилий материаллар ўрганиб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирига тақдим этилади. Ҳудудлар фаолиятига баҳо берилиши, шунингдек, муаммоларни «маҳаллабай» ҳал этиш бўйича тегишли вазирликлар ва идоралар ҳамда ҳокимликларга топшириқ хатлари юборилади, яъни ўрганилган ҳар бир муаммони бартараф этиш чоралари кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири томонидан «Темир дафтар»нинг юритилиши ва унинг натижалари бўйича ҳар ойда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига ахборот берилади.

«Темир дафтар»даги оилаларнинг ишсиз аъзолари бандлигини таъминлаш куйидаги йўналишларда амалга оширилади:

Птуман (шаҳар)лар ҳокимликлари томонидан инвестиция бўлимлари, аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари, тижорат банклари билан ҳамкорликда тармоқ ва ҳудудий инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларда яратилаётган янги иш ўринларига ишга жойлаштириш;

Птуман (шаҳар)лар ҳокимликлари томонидан аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари билан биргаликда мавжуд вакансия ва захира (квота) иш ўринларига ишга жойлаштириш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш;

Птуман (шаҳар)лар ҳокимликлари томонидан қишлоқ хўжалиги бўлимлари билан биргаликда кооперативларга жалб этиш, ғалладан бўшаган ерларда такрорий экин экиш ва оборотдан чиқиб кетган ерларни ўзлаштириш ҳисобига бандликни таъминлаш;

Птуман (шаҳар)лар ҳокимликлари томонидан солиқ идоралари, тижорат банклари, аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари билан биргаликда касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитишни ташкил этиш, тадбиркорлик ва ҳунармандчиликка жалб этиш, ўзини ўзи мустақил равишда банд қилишни ривожлантиришга доир фаолиятни ташкил этиш орқали бандликка кўмаклашиш;

Птуман (шаҳар)лар ҳокимликлари томонидан марказлашган манбалар ҳисобига амалга оширилаётган қурилиш объектлари ҳамда барча манбалар ҳисобига уй-жой қурилиши объектларига ишга жойлаштириш.



“Темир дафтар”га киритиш учун эҳтиёжманд оилалар рўйхати шакллантирилади ва белгиланган намунада сўровнома тўлдирилади. Оиладаги барча аъзолар билан суҳбат ўтказилади.

Уйма-уй юришни ташкил қилиш бўйича эҳтиёжманд оилаларни ўрганиш сўровномаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан туман (шаҳар) ҳокимликларига етказилади. Ҳокимликлар томонидан эҳтиёжманд оилаларни ўрганиш сўровномаси секторларга тақдим қилинади. Секторлар томонидан маҳалла фуқаролар йиғинига ва бошқарув офисига тарқатилади. Аниқланган муаммолар оилаларнинг жамланма рўйхатига киритилади. Жамланма рўйхат сектор раҳбарига тақдим этилади. Анкета маълумотлари идора ва ташкилотларнинг маълумотлари билан солиштирилади ҳамда оилаларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлик даражаси (тоифаси) аниқланади. Шу тарзда ҳамкорлик орқали барча ишлар ташкил қилинади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. “Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”га киритилган оилаларнинг фарзандлари ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган янги турмуш қурган ёшларнинг яқка тартибдаги хонадонида қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.10.2021 йилдаги 637-сон қарори.
2. “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 15.10.2020 йилдаги ЎРҚ-641-сонли қонуни.
3. “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 24.08.1994 йилдаги 434-сонли қарори.
4. // <http://www.lex.uz>
5. // <http://norma.uz>